



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 114 (13.711)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида пойтахтда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг яқин ҳамкорлиги асосида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, хизматни ўташни ташкил этиш амалиётини ўрганиш сүтканинг кечки ва тунги вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мавжуд куч ва воситаларини таксимлашнинг етарли даражада самарали эмаслигини кўрсатди ҳамда бу пойтахтда криминоген вазиятга тезкор таъсир кўрсатиш, уни назорат қилиш ва баҳо бериш имконини бермапти. Ушбу вақтда ҳуқуқбузарликлар умумий сонининг яримдан кўпи, айниқса, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилаётганлиги ҳам бундан далolat беради.

Тошкент шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, сүтканинг кечки ва тунги вақтида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида уларнинг яқин ҳамкорлигини ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси, Олий суди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг 2018 йил 1 июлдан Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тузилишига қўйидагиларни назарда тутадиган **“Хавфсиз пойтахт” концепцияси**ни (кейинги ўринларда Концепция деб юритилади) эксперимент тарихисида жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

соат 16:00 дан 8:00 га қадар вақт оралиғида ички ишлар органлари, Миллий гвардия саф бўлинмалари жамоат тартибини таъминлаш кучларининг камиди 70 фоизини, шунингдек, жамоатчилик вакилларини (кейинги ўринларда – жамоат тартибини таъминлаш кучлари) жалб қилиш орқали куну тун уч сменали патруль режими ташкил этиш;

ички ишлар ва прокуратура органларининг профилактика, тезкор ва тергов бўлинмалари, маъмурий судлар, адвокатура, шунингдек, суд-тиббий экспертиза хизматлари ходимлари томонидан сүтканинг кечки ва тунги вақтида хизмат фаолиятини тўлиқ амалга ошириш, кейинчалик сүтканинг кундузги вақтида ўн олти соат давомида уларни бевоқифа хизмат вазибаларини бажаришдан озод этиш; ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш ва уларга чек қўйиш мақсадида ички ишлар органлари бўлинмалари, биринчи навбатда, жамоат тартибини таъминлаш кучларининг патруль гуруҳлари ҳодиса содир бўлган ёки сигнал берилган жойга максимал тезкорлик билан етиб боришини таъминлаш.

(Давоми 2-бетда)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ота-боболаримиз азалдан касбу ҳунарга эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритишга одатланган. Аждодларимиз ҳунари ҳисобидан рўзгор тебратиб, ўз оиласини, эл-юрт манфаатини таъминлаб келган. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилатдир.



Ҳар бир оила – тадбиркор

ҲУНАРИ, ТАДБИРКОРЛИГИ ТУФАЙЛИ ДУНЁ КЕЗАЁТГАН АЁЛ

Орада унутилай деб қолган бу фазилатлар қайта кўз очиши учун кейинги йилларда соҳага эътибор кучайди. Бу миллий ҳунармандчилик тараққиёти эътиб, зардўзу каштачилар, ёғоч ўймакорлиги усталари нафақат маҳаллий, балки дунё бозорида муносиб ўрин эгаллаётганида ҳам намойён бўлмоқда.

Пойтахтлик Моҳира Султонова бундан саккиз йил олдин каштачилик кизиқиши туфайли иш бошламоқчи бўлганида қўлида айтарли пули йўқ эди. Ўйлаб-ўйлаб, охири тилла тақинчоқларини ломбардга топшириб, гаров эвазига шу ердан маблағ олди.

Ўзи истиқомат қиладиган Юнусобод тумани Қулполқўрган маҳалласида кичик хунармандчилик устаносини очди. Бежирим кашталар, миллий кийим-кечаклар, оёқ кийимлар ва бошқа маҳсулотлар тайёрлай бошлади. Унинг бетакорр ижод намуналари маҳалладаш аёлларни ҳам кизиқтириб қолди. Бир нечтаси Моҳирага шогирд тушди.

Моҳиранинг моҳир қўллари билан яратилган миллий маҳсулотлар тез орада оғизга тушди. Буортма ва талаблар кўпайиб бормди. Шу тариха қўл меҳнатининг нодир намуналари миллий маҳсулотлар кўргазма залларини ҳам беэзди.

Кўргазма-савдолар маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорига чиқишида муҳим роль ўйнади, – дейди ЎЗА муҳбирга М.Султонова. – Шу пайтгача Хитой, Россия, Туркия, Малайзия, Қозғоғистон, Озарбайжон каби давлатларда бўлиб, маҳсулотларимни намойиш қилдим. Кўплаб мухлислар ва миждорлар орттирдим. Жорий йилда Озарбайжонга навбатдаги сафаримиз давомида шу давлатда кўзга очиб таклифи тушди. Биз буни бажонидил қабул қилдик. Май ойида эса дўконимиз фаолият бошлади.

Ҳозирги кунда фарзандлари, шогирдлари билан йигирмадан зиёд турдаги каштачилик маҳсулотлари ишлаб чиқараётган аёлнинг эндиги мақсади – Европа бозорларини забт этиш. У махсус таклиф асосида Германия ва Бельгия бозорлари учун маҳсулотлар тайёрлаш билан банд.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Қарориди меҳнаткаш халқимизнинг қадимий касб-ҳунар аънавалари, ишбилармонлик салоҳияти оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолиятини турларини кенг оммалаштиришига эътибор қаратилгани хунармандларга бўлган эътибор намунаси бўлди.

– Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир оилани тадбиркорликка рағбатлантиришга қаратилган қарори халқимизнинг ҳаётини янада фаровонлаштириди, – дейди хунарманд аёл. – Зеро, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури асосида оилаларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун барча чоралар қўрилмоқда. Мазкур ҳужжатда хунармандчилик алоҳида тилга олингани, соҳани ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратилиши бизни беҳад қувонтирди. Имтиёзли кредитлар ажратилиши, амалий ёрдам кўрсатилиши ҳар бир юртдошимизга берилган катта имкондир.

Шу пайтгача яқна тадбиркор сифатида фаолият юритиб келган Моҳира бундай имкониятлардан унумли фойдаланиш ниятида. Кредит олиб, фаолиятини кенгайтириш, кўпроқ хотин-қизларни иш билан таъминлаш, ўз маҳсулотларини дуний асосда сотишга мўлжалланган галерея ташкил этишни мақсад қилган.

Норгул АБДУРАИМОВА

ЎЗБЕКИСТОН – ИСПАНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ: ҲАМКОРЛИК СОҲАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Тошкент шаҳрида 19 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Испания инвестиция ва экспорт агентлиги (ICEX) томонидан **“Кўп томонлама ҳамкорлик” мавзусида Ўзбекистон – Испания бизнес-форуми ташкил этилди.**

Тадбирда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Аҳдам Икромов, Испаниянинг мамлакатимиздаги Фавкуллодда ва мухтор элчиси Игнасио Ибаньеса, Испания инвестиция ва экспорт агентлиги – ICEX бош директори Франсиско Хавиер Серра сўзга чиқди. Таъкидланганидек, мазкур форумдан мақсад Ўзбекистон билан Испания ўртасида

энергетика, транспорт инфратузилмалари, шаҳар сув таъминоти ва санитария тизимлари, қаттиқ чикиндиларни бошқариш, қурилиш, озиқ-овқат саноати ва инжиниринг хўжалиги каби соҳаларда ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш, испаниялик тадбиркорлар учун интер-фаол платформа яратишдир. Мазкур платформадан томонлар савдо-

иқтисодий, сарможий ҳамкорликни ривожлантиришга оид таклифларни муҳокама этади.

Тошкент Ўзбекистон – Испания бизнес-форумида бир неча бор мезбонлик қилган. Ҳўш, бу галги тадбир қайси жиҳатлари билан олдингилардан фарқ қилади?

(Давоми 2-бетда)

XXI аср саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона вилояти шаҳар ва туманлари тиббиёт муассасаларида “Аёллар маслаҳатхонаси” ташкил этилди. Айни кунларда вилоятдаги барча “Аёллар маслаҳатхонаси” зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Яқин кунларда вилоят солиқни сақлаш бошқармасида туну кун фаолият кўрсатувчи тезкор алоқа тармоғи ишга туширилади.

● Бувайда туманида “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга оширишга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Кўргазмада 1000 дан зиёд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган фуқаролар иштирок этди. Тадбир доирасида мини-технологиялар

ЖАҲОНДА

● Франциянинг Лион шаҳрида бўлиб ўтган ким ошди савдоларида машҳур саркарда Наполеон Бонапартнинг учбурчак қалпоғи шахсий коллекционер томонидан 350 минг еврога сотиб олинди. Таъкидлаш жоизки, бу байрамда кийилидиган эмас, балки анчагина уринган оддий қалпоқ эди. Наполеон қалпоқларининг сотилиши борасидаги рекорд бундан тўрт йил муқаддам ўрнатилган бўлиб, ўша ким ошди савдосида буюқ французнинг буюми салкам 2 миллион еврога сотилган эди.

● Германиянинг Болтиқ денгизи қирғоқларида чўкаётганларни кутқариш учун махсус дрон яратилди. Маълум бўлишича, дронга кутқарув ёстиқчаси маҳкамланган. У сувга текканда автоматик тарзда ишайди. Дронлар кутқарувчилар ўрнини эгалламайди, балки уларнинг вазифасини тўлдирди. Улар қисқа вақт ичида ёрдамга муҳтож кишига яқинлашади ва унга кутқарувчилар етиб келгунигача қадар сувда жон сақлаб туришга ёрдам беради.

(Давоми 2-бетда)

Президент ташрифидан сўнг...

ХАЙРЛИ ИШЛАР ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИК- ОСОЙИШТАЛИГИ ВА ЁРУҒ КЕЛАЖАГИГА ЗАМИН ЯРАТАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқимизнинг миллий-диний қадриятларини тиклаш, маърифий исломни ривожлантириш, буюқ аждодларимизнинг динимиз софлигини таъминлашга қўшган улкан ҳиссасини кенг ўрганиш ва тарғиб этиш юзасидан кўплаб ташаббусларни бошлаб берди. Давлатимиз раҳбари Рамазон ҳайити кuni Ислам цивилизацияси маркази қурилиш майдонида ташриф буюриб, иншоот пойдеворига тамал тоши қўйгани бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

ЎЗА муҳбири дин арбоблари, зиёлилар, маънавият ва маърифат соҳаси вакилларининг марказ ҳақидаги фикрлари билан қизиқди.

Усмонхон АЛИМОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий:

– Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Президентимиз ташаббуси билан халқимизнинг эртанги кuni, фаровон келажагини қўлаб барча соҳада улкан ўзгаришлар қилинапти. Бу ўзгаришларни бутун халқимиз қўллаб-қувватляпти.

Президентимиз ўтган йили 1 сентябрь – Қурбон ҳайити кuni Хазрати Имом тажмунасига келиб, Ислам цивилизацияси марказининг қурилиши, мақсад ва вазифалари юзасидан кўрсатмалар берган эди. Шундан сўнг мазкур мажмуа ёнидан ўн гектарга яқин ер ажратилиб, ишлар жадал бошлади.

Давлатимиз раҳбари шундай улуғ айём кuni марказ қурилишининг бошланаётгани замирида эзгу ниёт, чуқур маъно-маъмул муваққат эканини таъкидлади. Бу марказни қуришдан мақсад ислом маърифатини ўрганиш, буюқ аждодларимизнинг бой меросини халқимизга, дунё ҳамжамиятига етказиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш эканини қайд этди.

Дарҳақиқат, динимизнинг гуллаб-яшнаши, ислом тамаддуни юксак даражада кўтарилишига аждодларимизнинг ҳиссаси бекиёс. Юртимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурхониддин Марғиновий, Абу Ҳафз Кабир каби улуғ алломалар исломнинг асл моҳиятини бутун дунёга ёйган. Бундай улуғ зотлар мероси, қадамжолари диёримизнинг деярли барча гўшаларида мавжуд бўлиб, юртимизга келаётган меҳмонлар ҳаммасини зиёрат қилишининг имкони йўқ. Ислам цивилизацияси марказида аждодларимиз мероси, таълимотлари ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин бўлади. Ушбу марказнинг асосий гоёси улуғ алломаларимизнинг ислом ривожига улкан ҳиссасини тарғиб этиш, тарихимиз, маънавий меросимизга дунё эътиборини қаратишдан иборат. Президентимиз таъкидлаганидек, бу йўлдаги барча саъй-ҳаракатларимиз ёшлар таълим-тарбиясига, халқимиз тинчлик-осойишталиги ва ёруғ келажағига замин яратади.

Шоазим МИНОВАРОВ, Ислам цивилизацияси маркази директори:

– Президентимизнинг Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказини барпо этиш ҳақидаги қарори қабул қилинганидан сўнг кенг қамровли ишлар бажарилди. Марказ ташкил этилгани ҳақидаги хабар бутун дунёда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, ушбу хайрли ниёт замирида ётган сабаб, яъни тахликали оламда ёшларни ўзравонлик, экстремизм ва радикализм мафкуралидан ҳимоя қилиш, буюқ аждодлар меросини келажак авлодлар учун асраш ва тарғиб қилиш истаги дунёдаги ҳамкорларимиз ва дўстларимиз орасида катта қизиқиш ва хайрихоликка сабаб бўлди.

Бугунги кунга қадар жаҳондаги 20 дан ортиқ худди шундай марказлар билан алоқа ўрнатди. Жумладан, Англияда Кембриж университети, Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Британия музейи ва кутубхонаси, Истанбулдаги қатор илмий-тектириш институтлари, Тўпқои музейи, Франция ислом маркази, Париждаги Лувр музейи, Париж миллий кутубхонаси, Санкт-Петербургдаги Эрмитаж давлат музейи ва бошқа қатор етакчи муассасалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, 7 та меморандум имзоладик. Марказ кутубхонаси учун 400 дан ортиқ нодир қўлёзмалар харид қилинди, юртдошларимиз ўзларидида қўлёзма нусхаларни ҳадя этмоқда. Улар орасида Бобурийлар даврида Дехли ва Лахорда кўчирилган Қуръони карим нусхалари, Пайғамбаримиз тарихига оид манбалар, шунингдек, буюқ боболаримиз асарларининг турли тиллардаги тошбосма нусхалари бор.

Ислам цивилизацияси маркази қошида Ислам маданияти ва санъати тарихи музейи фаолият кўрсатади. Айни пайтга қадар музей учун 200 га яқин ноёб экспонат жамланди. Юртимиздаги музейларда сақланаётган, вақтинча фойдаланилмаётган экспонатлар, турли марказлар, кутубхоналардаги қўлёзмалар рўйхати ҳам шакллантирилмоқда. Уларнинг электрон нусхаларини олиш, ўзара маълумот алмашиш устиди иш олиб борилмоқда.

ТАРБИЯ ВА МАСЪУЛИЯТ УЙҒУНЛИГИ

Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларида 2016 йилдан буён 10-14 ёшли болалар ва уларнинг ота-оналари учун “Оилада ҳаёт кўникмаларини ўқитиш дастурлари ёрдамида ёшлар орасида психофаол таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилиш, ОИВ/ОИТС ва жиноятчиликни олдини олиш” лойиҳаси бўйича “Мустаҳкам оила” дастури амалга ошириб келинмоқда.

Чилонзор тумани “Баркамол авлод” болалар марказида журналистлар учун ташкил этилган брифинг-да Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ҳамкорлигидаги маъруза дастур юзасидан эришилган ижобий натижалар хусусида атрофлича маълумот берилди.

2016-2017 йилларда дастур бўйича Тошкент шаҳрининг 7 та умумтаълим мактабида синов ўтказилган бўлса, жорий йилда Халқ таълими вазирлиги томонидан пойтахтимизнинг 11 туманида ҳам ушбу лойиҳа амалга оширилди. Мутахассислар апрель-май ойларида 12 та умумтаълим мактабида ўтказган тренингда 120 оила қамраб олинди.

– Машғулотларда ота-оналарга фарзандлари билан дўстона муносабатларни шакллантириш, уларни тинглаш, турли тақиқлар билан эмас, рағбатлар орқали тўғри мақсадлар сари йўналтириш лозимлиги хусусида тавсиялар берилди, – дейди Миробод тумани халқ таълими бўлими методисти М.Саидова.

ва. – Ёшларга эса ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш, ташқи муҳит ва тенгдошларининг салбий таъсирига берилмаслик каби масалаларга эътиборли бўлиши ҳаётий мисоллар орқали тушунтирилди.

Жойларда дастур бўйича ўтказилган машғулотлардан кейинги натижалар ва ундан олдинги ҳолатлар таҳлил қилинганда ота-оналар ва фарзандларнинг ўзаро муносабатларида ижобий ўзгаришлар содир бўлгани аниқланди.

– Катта ўғлим ўсмир ёшда бўлгани учун баъзи масалаларда у билан бир тўхтамга келолмас эдик, – дейди ЎЗА муҳбирига Чилонзор туманида яшовчи уй бекаси М.Султонова. – Дастурдан кейин фарзандимни янада кўпроқ тушунишга, унинг гапларини охиригача тингашга ўргандим. Ўғлимнинг юриштириши, атрофдагиларга бўлган муносабатида ҳам анча ўзгариш бўлди. Ҳозир уй юмушларида менга дастёрлик қилади. Ўзига берилган топшириқларни вақтида бажаради.

Брифингга дастурда қатнашган ота-оналарнинг фикр-мулоҳазалари ҳам тинланди.

А. МУСАЕВ

Миллий матбуот марказида акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан “Халқ банки: ислоҳот ва самара” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ИСЛОҲОТ ВА САМАРА

Акциядорлик тижорат Халқ банки мамлакатимиздаги энг йirik банклардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда банкнинг 200 га яқин филиаллари, 29 та мини-банк, 727 та жамғарма ва махсус касса, 186 та халқаро пул ўтказмалари ва 180 дан ортқ валюта айирбошлаш шохобчалари мижозлар учун хизмат кўрсатиб келмоқда.

Филиалларда маблағларни депозитларга қабул қилиш, кредит бериш, ҳисобрақамлар очиш, халқаро пул ўтказмалари каби кўплаб хизматлар ҳамда замонавий ва интерактив банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига кўра мижозлар учун кўпгина қулайликлар яратилди. Банкка келган мижоз хизмат кўрсатиш ҳудудига таъқинликсиз, ҳеч бир ҳужжат тақдим этмасдан кириши, ўзига керакли маълумотларни олиши мумкин. Шунингдек, банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш, банк филиаллари ва мини-банклари тармоғини кенгайтириш, хорижий валютанинг олди-соти операцияларини амалга ошириш, халқаро тўлов карталаридан пул маблағларини хорижий ва миллий валютадаги муддатли омонатларга ўтказиш таъминловчи тизим жорий этилди.

– Президентимизнинг тегишли қарорига асосан 2018-2019 йилларда Халқ банки устав капиталини 1,6 триллион сўмга ошириш, “UzPaynet” МЧЖни халқ банкининг таркибий бўлинмаси сифатида тузиш белгиланди, – дейди Акциядорлик тижорат Халқ банки бошқарув раиси ўринбосари Низомиддин Аббосов. – Шу билан бирга, 2023 йилгача солиқлар ва банк жиҳозлари ва техникаларини олиб кириш учун боғжона тўловлари овоз қилинди. Ижтимоий тўловлар тўлаш учун нақд пулни ташши бўйича бепул хизмат кўрсатиш, оптик толали ахборот-коммуникация тизимларидан имтиёзли тарифларда фойдаланиш, банк реклама материаллари учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан 50 фоизлик имтиёзлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг пенсия ва нафақалар тўлаш механизмининг янада такомиллаштириш чора-тадбирларига оид қарорига кўра Халқ банкининг сайёр кассалари орқали республикамизнинг 3 миллиондан зиёд пенсияонерларига ҳар ойнинг 27-санасига қадар пенсия ва нафақа пуллари етказилмоқда.

Анжуманда шунингдек, банк соҳасидаги ислоҳотлар, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бўйича Халқ банки томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

Абдувалим САЛИМОВ

ТЕЖАМКОР ВА ЭКОЛОГИК ТОЗА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари изчиллик билан ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни татбиқ этмоқдалар, халқаро талабларга жавоб берадиган кенг турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирамоқдалар.

Олмазор туманида жойлашган масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Nortec Company” қўшма корхонаси 2013 йилдан буён иссиқликни сақловчи қурилиш материаллари билан юртимиз бозорида фаол иштирок этиб келмоқда.

Бугунги кунга келиб бу энергетик жиҳатдан самарали, шу билан бирга турар жой, маъмурий бинолар ва саноат корхоналарини қуриш учун мўлжалланган, иссиқликни асровчи тароксимон қиррали, полистиролбетон блокларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ва жадаллик билан ривожланиб келаётган, юксак истикболга эга компаниядир.

– Бизнинг маҳсулотимиз энергияни тежаш технологиялари асосида ишлаб чиқарилади, барча мувофиқлик сертификатлари ва гигиеник сертификатларга эга, – дейди МЧЖ шаклидаги “Nortec Company” қўшма корхонаси раҳбари Абдусамд Ҳамдамов. – Европа ва Хитойдан келтирилган ҳамда маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилган қурилиш материалларига ички бозорда талаб кун сайин ошиб бормоқда.

Айтиш жоизки, бугунги кунга келиб талайгина ривожланган мамлакатларда бу каби маҳсулот аҳоли орасида катта ишонч қозонган. Бунга бир неча сабаблар мавжуд. Унинг энгиллиги, иссиқликни асровчанлиги, физик ва механик хусусиятлари ҳақида қанча гапирсангиз оз. Иссиқликни асровчи тароксимон қиррали

полистиролбетон блокларини аралаш, тешиш ва ҳаттоки чарчлаш мумкин. Полистиролбетон блокларидан фойдаланиш натижасида қурилиш, энергия, транспорт харажатларини камайтиришдан ташқари деворларнинг қалинлиги камайиши орқали ўн фоизгача ер майдонини тежаш қилиш мумкин. Шунингдек, ортиқча шовқин ва намгарчиликдан асрайди.

Полистиролбетон экологик жиҳатдан тоза материалдир. Турли зараркундаларга, микроборганизмларга ва ҳашаротларга озқу сифатида хизмат қилмайди, умуман чиримайди, қаттиқ совуқ таъсир қилмайди, ёнмайди, ўта чидамли. Айнан шу сабабли қурилган уйнинг деворлари совуқни ҳам, иссиқни ҳам ўтказмайди. Жазирама ёз кунлари бу ерда салқинлик ҳўкм суради, қаҳратон қишда эса иссиқ ҳароратни сезиб турсиз. Бу эса оддий нишдан қурилган уйлардан кўра газ ёқилиш ҳажмини 3-5 баробар камайтиришга имкон яратади.

Ўзбекистонда қурилиш ҳажми кун сайин ошиб бормоқда. Қурилиш ташкилотлари ва бюрократлар билан биргача энергетик жиҳатдан тежамкор бўлишига катта аҳамият беришмоқда. Шу боис масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Nortec Company” қўшма корхонаси маҳсулотларига талаб тобора ошиб бормоқда.



Масалан, 2017 йил якунларига кўра мамлакатимиз ички бозорига 800 миллион сўмлик полистиролбетон блоклари сотилган бўлса, 2018 йилнинг биринчи чоралигининг ўзида 500 миллион сўмлик шартномалар имзоланди. Асосий харидорлар орасида пойтахтимиз, шунингдек, Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятида фаолият юритувчи жисмоний ва юридик шахслардир. Истеъмолчиларнинг талабларига биноан, турли геометрик шаклдаги қурилиш маҳсулотлари етказиб берилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси аъзоси бўлган Абдусамд Ҳамдамов қўшимча иш жойларининг яратилишига, юқори малакали кадрлар тайёрлишига катта аҳамият беради.

Яқин истиқболда тадбиркор монтаж элементлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида. Бу эса қўшимча иш жойларининг яратилишига замин бўлади.

Х.УБАЙДУЛЛАЕВ

И.Разиқов олган сурат

САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йилнинг январь-май ойида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 12267,5 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 107,4 % ни ташкил этди.

йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 101,3 % ни ташкил этди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2 558,0 млрд. сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 43,8 %, ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2 966,6 млрд. сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 52,4 %, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш 221,1 млрд. сўм ҳисобланиб жами истеъмол товарларидаги улуши 3,8 % ташкил этди.

Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Мирзо Улўабек тумани (Тошкент шаҳри са-

ноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 12,7 % улушини), Яшнобод тумани (12,5 %), Шайхонтоҳур тумани (12,2%), Чилонзор тумани (11,3 %), Олмазор тумани (10,5%), Сергели тумани (9,3 %) ҳиссасига тўғри келади. Шунинг билан бирга энг кам улуш Учтепа (5,5 %), Миробод (6,0%), Яккасарой (5,0 %) туманларига тўғри келади.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси

Никоҳ, туғилиш, ажралиш ва ўлим каби ҳаётий воқеалар бор экан, уларни қонуний қайд этишга эҳтиёж бўлади. Кундалик турмушда бундай ҳолатлар ҳар кун учрайдими. Шунинг учун ҳам уларни қайд этувчи фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХД) органлари бинолари доим одамлар билан гавжум.

Қарор ва ижро

ФХД ТИЗИМИДАГИ МУАММОЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Мана шу гавжумлик ушбу соҳада айрим муаммолар юзга келишига сабаб бўлган. Турнақатор навбатлар, ишни тезроқ битириш учун пора бериш, фойда келмайдиган ишларни ҳал этишни пайсалга солишдек иллатлар илдиқ отгани сир эмас.

Соҳани тартибга солиш, одамларга қулайлик яратиш борасида кейинги йилларда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 июндаги “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига ҳам амалиётда мавжуд муаммо ва камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

– Мазкур қарор билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ФХД органларининг роли ва аҳамияти оширилди, – дейди адлия вазириликнинг қонунчилик бош бошқармаси бошлиги Худойёр Мелиев. – Аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш институти янада ислоҳ қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Эндиликда ФХД органлари оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва ажралишларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларда фаол иштирок этади. Бу уларнинг устувор вазифаси сифатида белгилаб қўйилди.

Аҳолига тежор равишда ФХД архив маълумотномалари ва ахборотини олиш имкониятини берувчи фуқаролик ҳолати ягона электрон архиви шакллантирилди.

Электрон архивнинг тўлиқ ишга туширилиши натижасида фуқаролар ФХД органларида қайд этилган далолатнома ёзувлари билан боғлиқ зарур маълумотларни олишга бир неча кун эмас, балки муайян дақиқалар сарфлайди, холос.

Марказлардан узоқда жойлашган туманлар аҳолисига “мобил давлат хизматлари” кўрсатилади. Бу жараёнда мутахассислар жойига чиқиб, фуқароларга хизмат кўрсатади.

Бу амалиёт аҳолига қулайлик яратиш, уларнинг вақтини тежаш, транспорт харажатларини қисқартириш билан бирга, ҳуқуқий маданиятини ошириш, бюрократия ва коррупция юзгага келишининг олдини олишга қаратилган.

Маълумки, Президентимизнинг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосан 2018 йил 1 июлдан бошлаб ФХД органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш, фаолиятини методик таъминлаш, “ФХДнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимини юритиш, ФХДнинг ҳудудий архивларига раҳбарлик бўйича вазифалар Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги зиммасига юклатилган ҳолда, ФХД органлари туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тасарруфига ўтказилиши белгиланган эди.

Шунга кўра, амалиётда вуқудга келиши мумкин бўлган ноаниқликларнинг олдини олиш мақсадида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишга маъмул мансабдор шахслар, яъни туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, Давлат хизматлари агентлигининг директорлари, туманлар (шаҳарлар) ФХД бўлимлари мудириларининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги доираси аниқ белгилаб берилди.

Шунингдек, қарор билан никоҳ шартномасини тузиш, алимент тўлаш ҳақидаги келишувни тасдиқлашда давлат божи ўндирилиши бекор қилинди.

Эндиликда турли сабабларга кўра ўз вақтида қайд этилмаган ҳолатлар бўйича судлар томонидан оталиқни тан олиш (белгилаш), боланing у ёки бу онадан туғилганлиги, шунингдек, туғилган вақти фактларини аниқлаш тўғрисидаги аризаларни кўришда ҳеч қандай тўловлар ўндирилмайди.

Бундан ташқари, туғилиш ва ўлим фактларини ўз вақтида қайд қилиш мақсадида 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб ФХД органлари билан солиқни сақлаш муассасалари ўртасида туғилиш ва ўлим тўғрисида электрон маълумотлар алмашиш йўлга қўйилди.

Ҳомилдорликнинг эрта босқичидан чақалоқ туғилганига қадар унинг ҳисобини олиб боришининг автоматлаштирилган ахборот тизими ишлаб чиқилиши ҳамда унинг “ФХД электрон архиви” ахборот тизимини билан интеграция қилиниши туғилиш ва ўлим ҳолатларини қайд этилмасдан қилишининг олдини олади.

Қарор билан туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари бошчилигида ҳудудий комиссиялар ташкил этилиб, уларга “Биронта ҳам бола қайд этилмасдан қилиши мумкин эмас” ва “Туғилганликнинг қайд этилиши – бола ҳуқуқларини рўёбга чиқарилишининг ва фуқаролик бўлмаслигининг олдини олишининг ҳуқуқий асосидир” деган эзгу гоғлар асосида қайд этилмаган туғилганлик, ўлим ҳолатларини аниқлаш, натижаси бўйича туғилганлик, ўлим ҳолатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ манзилли қайд этилишини таъминлаш юклатилди.

Қарорга мувофиқ, 2019 йил 1 январдан бола туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома қайд этилишида чақалоқларга унинг ҳаёти давомида тўпаланган ўзи ҳақидаги барча маълумотларни қамраб олувчи шахсий идентификация рақами берилиши амалиётга жорий этилади.

ФХД органлари тизимида юзга келаётган коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш ва уларга қарши кескин курашиш борасида 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишга илтифат учун тўловларни (давлат божи, герб йиғими ва пуллик хизмат) электрон тўловлар (биллинг) орқали тўлаш механизми жорий этилди.

Бу эса фуқароларга қанча маблағ тўлаши кераклигини тўловни амалга оширишдан тўлов қитанциясига қараб билиш олиш имкониятини яратди.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган қарор ижроси ФХД тизимида учраётган муаммоларга чек қўйишга хизмат қилади. Бу эса фуқароларнинг манфаатларини таъминлайди, уларга кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифати ва тезкорлиги янада ошади.

(ЎЗА)

